XXVI

6 000 000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 252 (17.832). • 1 ноябрь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни — республика ёзувчилари саккизинчи съезди қатнашчиларини ва сизлар орқали Ўзбекистон ССРнинг барча адабиёт арбобларини астойдил табриклайди.

Сизларнинг съездингиз шонли даврда ўтмоқда. Совет халқи шонли Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, содиқ марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, Ер юзидаги одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун тинимсиз, изчил курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси раҳбарлигида коммунизм қурилиши улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқда, жонажон Лекин партияси XXVI съездини мислсиз меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган ва партия билан халқнинг жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожи ҳозирги босқичидаги жанговар фаолият программаси баён этиб берилган чуқур, мазмунли, ленинча доно нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистларнинг улуғ анжуманини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 6 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топшириб, айниқса буюк муваффақиятга эришдилар.

Жамиятни иқтисодий ва социал сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, совет кишисининг илмий дунёқарашини, актив ҳаётий позициясини, унинг маънавий эътиқодлари ва юксак маданиятини вояга етказишда адабиётнинг роли буюкдир. Умидворлик ва ҳаётбахш коммунистик ғоялар руҳи билан суғорилган совет адабиёти миллион-миллион кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоғи, уларнинг ҳоҳиш-истаклари ва ҳис-туйғулари ва фикрларини ифодалаши, уларни ғоявий бойитиш ва ахлоқий тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Еттинчи съездан кейин ўтган давр ичида республика ёзувчилари ижодиётининг тематик доираси анча кенгайди, уларнинг бадиий маҳорати ўсди. Ўзбекистон адиблари халққа манзур бўлган кўпгина яхши романлар, қиссалар, поэтик асарлар, драматургия ва адабиётшунослик асарлари яратдилар. Ёзувчиларнинг ижодида замонавийлик мавзу бош мавзу бўлиб қолди. Улар ўз асарларида социалистик воқелигимизни, совет кишиларининг меҳнатдаги жасоратларини, уларнинг бой маънавий дунёсини ва олижаноб мулоҳазаларини, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, уларнинг илҳомбахш ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини теран ва ёрқин ифодалай бошладилар.

Анчагина иш қилинди, аммо қилинадиган ишлар ҳали кўп. Коммунистик партия сўз санъаткорларини улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратишга, совет адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаришга даъват қилади.

Халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлаш, совет воқелигининг бойликлари ва хилма-хиллигини юксак бадиий воситалар орқали ҳаққоний ифодалаш, янги, чинакам коммунистик фазилатларни илҳом билан мароқли тасвирлаш ва жамиятимизнинг олга ҳаракатига халақит бераётган ҳамма иллатларни фош қилиб ташлаш — республика барча ёзувчиларининг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидир.

Халқ адиблардан замонамизнинг қаҳрамонларини — коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бораётган азаматларни тасвирловчи йирик бадиий асарлар кутмоқда. Ёзувчиларимиз совет халқи ишларининг улуғворлиги, дили ва орзу-умидларининг олий ҳимматлилигини, унинг коммунистлар улуғ ленинчи партияси теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатиб беришлари лозим.

Ягона ва бўлинмас совет адабиёти аввал бошданоқ кўпмиллатли, кўпбўёқли ва кўптилли адабиёт сифатида дунёга келди. Унинг ривожига асос қилиб олинган халқлар дўстлиги ва қардошлиги, пролетар интернационализминнг улуғ ғоялари бундан буён ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида чуқур тараннум этилмоғи керак.

Совет адабиёти ўзининг ғоявийлиги ва ҳаққўйлиги туфайли коммунистик онгликни шакллантириш ва ривожлантиришга жуда катта самарали таъсир ўтказмоқда. Республика ёзувчилари энг илғор ижодий метод бўлмиш социалистик реализм методини бундан буён ҳам баланд кўтариб боришлари, унинг принципиаллик ва халқ олдидаги гражданларча масъулият муҳити билан, яхши ният муҳити билан ажралиб туриши керак. Ёзувчиларнинг ғоявий-назарий ва профессионал маҳоратини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, ёш адибларни меҳрибонлик билан тарбиялаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг саккизинчи съезди самарали ишлашни тилайди ҳамда Ўзбекистон адиблари партия XXV съезди қарорларида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларида доир қарорларида совет ёзувчилари олдига кўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, жонажон Ленин партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олдилар, кўпмиллатли совет социалистик маданиятининг улуғ хазинасига бундан буён ҳам кўпроқ ҳисса қўшаверадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

ПАРТИЯ БИЛАН, ХАЛҚ БИЛАН ҲАМИША ҲАМНАФАС

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Мамлакатимизнинг кўп миллатли адабиёти совет кишиларини севили Ватанимизнинг равнақи йўлида, тинчлик ва коммунизм тантанаси йўлида шавкатли меҳнатга ва жанговар жасоратга, янги зафарларга руҳлантирмоқда. Бу адабиёт сафида Ўзбекистон ёзувчиларининг асарлари муносиб ўрин олиб турибди.

31 октябрь куни республика адиблари кейинги беш йил мобайнидаги ижодий фаолиятни якунлаш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилиш учун ўзларининг VIII съездига тўпландилар. Кўпгина делегатлар тўппа-тўғри пахтазорлардан, дала шийпонларидан келганларида рамзий маъно бор. Пахта терминнинг долзарб дамларида ёзувчиларнинг ўнлаб бригадалари энг яхши пахтакорларнинг тажрибасини ва меҳнатини элга ёйиш учун, бўлажак асарларига мавзу танлаш учун ўз қаҳрамонлари ёнида бўлдилар. Шу боисдан адибларимизнинг фахрланиши мутлақо ўринли: Ўзбекистон пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга армуғон этган 6 миллион тонна «оқ олтин» ҳосилини бунёд этишда ёзувчилар меҳнатининг ҳам бир талай улуши бор.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» мавзуида ёзувчиларнинг Боку шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикномасида таъкидлаб ўтганидек, кўп миллатли адабиётнинг ривожи мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунизм тантанаси йўлидаги кураши билан чамбарчас боғланган.

Адиблар ўз ижодиётига нисбатан: халқ турмушида сўз ва иш билан фаол қатнашишдан иборат энг катта партиявий талабни кўйганлар, бутун совет мамлакати адабиётининг ажралмас қисми бўлмиш Ўзбекистон адабиётининг асосий анъанаси ҳам мана шундай.

VIII съезд президиумида таниқли адиблар, қардош республикалардан келган меҳмонлар ўтиришибди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Л. И. Греков, И. Б. Усмонхўжаев, Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант В. С. Родин, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. М. Озеров, «Огонёк» журналининг бош редактори, ёзувчи А. В. Софронов, ёзувчи Г. А. Боровик, машҳур шоир А. П. Межиров, қардош республикалар ёзувчилар союзларининг делегациялари, тараққийпарвар араб шоири Абдурахмон ал-Хомиси бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд рух билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Мажлис аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини қарсаклар билан кутиб олади. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ўқиб эшиттирди.

Съездда республика ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин доклад қилди. Республика сўз усталари ўз съездига салмоқли муваффақиятлар билан келдилар, деб уқтирди у.

Ўзбекистон ёзувчилари бутун мамлакат адиблари билан бир сафда туриб, бутун халқ билан ҳамнафас бўлиб КПССнинг тарихий XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун илҳом билан фидокорона курашмоқдалар.

Ўзбекистон ёзувчилари ўз ижодларини барча қардош республикаларнинг энг яхши шоир ва ёзувчиларининг ишланишлари билан пайванд қилаётганликлари туфайли муваффақият қозонмоқдалар. Улуғ мамлакатимиз барча миллий маданиятлари бир-бирини ўзаро бойитиши ва бир-бирига ўзаро таъсир қилишидан иборат самарали жараён шароитидагина юксак бадиий асарлар юзага келмоқда. СССР халқларининг миллий адабиётлари яхлит бир адабиёт бўлиб, узвий равишда бирлашиб, кўплан-кўп сермева шохлар гуркираб турган азим дарахтга айланди. Бунда улуғ рус адабиёти, унинг чуқур демократик, революцион анъаналари, ҳозирги замондаги баланд парвози алоҳида роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон адиблари ва мамлакатдаги барча қардош республикалардаги ёзувчилар ташкилотлари билан, деб таъкидлади докладчи, анъанавий ижодий алоқалари йиллан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргаликда ишлаш, ҳар томонлама алоқалар, учрашувлар, мунозаралар жараёнида янги ёрқин асарлар вужудга келмоқда. СССР Ёзувчилар союзи Ўзбекистон адибларига жуда катта ёрдам бермоқда.

Республикамиз ёзувчиларининг илҳомбахш меҳнати умумхалқ вазифаларини ҳал этишга, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашдек олижаноб ишга самарали ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон адиблари КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, бир қанча салмоқли асарлар яратдилар.

Ш. Рашидовнинг «Бўроқдан кучли» ва янги таҳрирда нашр этилган «Қолиблар» романлари халқ турмушининг жонли манзарасини ранг-баранг ва ёрқин бўёқларда акс эттиради. Ўзбекистон ёзувчилари кенг ва хилма-хил мавзуларда қалам тебратмоқдалар. Қўрик ерларнинг ўзлаштирилишига бағишланган асарлар кам эмас. Миримҳисиннинг «Чотқол йўлбарси» романи гидроиншоотчиларнинг зардоб меҳнатини тараннум этади. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи ҳозирги юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш проблемалари устида баҳс юритади. Саид Аҳмаднинг драма асарлари, Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб», Пиримқул Қодировнинг «Олтин қамар» асарлари замондошимизга бағишланган.

Қисса жанридаги меҳнат мўл-кўл ҳосил берди. Китобхонлар Асқад Муҳторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Мақсуд Қориевнинг «Турналар баланд учади», Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» номли янги асарларига ва бошқа кўпгина муаллифларнинг қиссаларига яхши баҳо бердилар. Кейинги йиллларда ёш ижодкорларнинг сезиларли активлашганлиги кувончлидир.

(Давоми иккинчи бетда).

Наманган области. Поп районидаги «Коммунизм» колхози заршунослари 1400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Ҳосилнинг 70 процента агрегатлар ёрдамида териб олинади. Шонли механизаторлар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида таъкидланганидек қўёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб ишламоқдалар. Суратда: шу кун қаҳрамонларидан Йўлдошали Турдиалиев, Рўзибой Рустамов ва Йўлчимат Тўйчиевлар. Бу илғор механик-ҳайдовчилар мавсумда 200 тоннадан пахта термш учун курашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун— бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0.21	112.48	0.19	110.72
БУХОРО	0.35	112.42	0.46	86.34
САМАРҚАНД	1,02	111,16	1,39	96,26
ҚАШҚАДАРЁ	0,19	108,79	0,18	99,18
СУРХОНДАРЁ	0,38	106,96	0,39	97,64
ЖИЗЗАХ	0,39	105,66	0,17	109.58
СИРДАРЁ	0,70	105,15	0,36	105,15
ХОРАЗМ	0,80	103.49	1,12	100,40
ҚҚАССР	0,74	101,59	0,76	96,40
Фарғона	0,91	97,94	1,06	86,84
Андижон	1,15	96,42	1,10	77,11
Наманган	1,01	93.52	1,19	79,45
Республика бўйича:	0,64	103,01	0,71	96,94
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,82	98,26	0,87	92,24
Бухоро	1,76	95,22	2,78	68,71
Қашқадарё	0,22	90,27	0,28	69,14
Наманган	1.02	70,24	—	15,34
Республика бўйича:	0,73	94,91	0,82	80,95

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР.

Республика пахтакорлари 6 миллион тоннаник маррани забт этдилар. Бундай улкан «оқ олтин» хирмони шу пайтгача яратилмаган эди. Ҳали далаларимизда ҳосил бор. Ёғин-сочинлар бошлангунча унинг ҳаммасини йиғиб-териб олиш барчанинг муҳим вазифасидир.

31 октябргача республика бўйича 5.974.773 тонна, шу жумладан 332.201 тонна ингичка толали пахта хирмони бунёд этилди. Ана шу ҳосилнинг 3.732.272 тоннаси машиналар ёрдамида саранжом-саришталанди.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРГАНЛАР

◆ **Сирдарё область Комсомол райони.** Район меҳнаткашлари давлатга 30 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бунда «Мирзачўл», «Москва», «Советобод» совхозлари, «Коммунизм» колхозининг катта ҳиссаси бор.

◆ **Сурхондарё область Ангор райони.** Бу ерда эл хирмонига 35 минг тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта армуғон этилди. Ҳосилдорлик гектарига 36,8 центнерга етказилди.

◆ **ҚҚАССР Элликқалъа райони.** Район заршунослари она-Ватанга 52 минг тонна хом ашё топширдилар. Машина билан пахта териш плани ошириб бажарилди. Ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унуми 165 тоннани ташкил этди.

◆ **Қашқадарё область Китоб районидаги «Навбаҳор» совхози.** Хўжалик заршуночилари гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, қабул пунктларига 4.850 тонна хом ашё топширдилар. Совхоз азаматлари давлатга яна 100 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

◆ **Косонсой районидаги «Коммуна» колхози.** Хўжалик пахтакорлари ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 2.500 тоннадан зиёд хом ашё топширдилар.

ШОЛИ — ДАВЛАТГА

◆ **Нукус районидаги «Россия» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Кан бошлиқ бригадаси** азаматлари гектаридан 60 центнердан шоли ҳосили кўтардилар. Қабул пунктларига 1,5 минг тонна дон жўнатилди. Лекин мавсум ҳали охирлагани йўқ. Пешқадам бригада коллективи гектаридан 70 центнердан «қирмизи дон» янчиб олиш учун курашни давом эттирмоқда.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Хоразм области қишлоқларининг меҳнаткашлари партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини бажара бориб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар, уни йиғиб-териб олишни намунали ўтказдилар ва шу йил пахта тайёрлаш умумий ҳажмини муддатидан илгари, 26 октябрь куни бажардилар. 30 октябрь куни эса давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. 420 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пахта Ватаннинг улкан хирмонига етказиб берилди. 250 минг тонна ёки тайёрланган пахтанинг 59 процента машиналар билан терилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 40,4 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Областнинг ҳамма районлари, колхозлари пахтакорларининг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Гурлан районининг хўжаликлари тайёрлов пунктларига 67,4 минг тонна, Қўшкўпир райони 57,4 минг тонна, Урганч райони 49,8 минг тонна, Шовот райони 48,8 минг тонна, Хива райони 44,4 минг тонна, Хонқа райони 43,6 минг тонна, Боғот райони 40,8 минг тонна, Янгиариқ райони 36,3 минг тонна, Хазорасп райони 35,5 минг тонна пахта етказиб бердилар.

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз аввалги йиллардагидек бу йил ҳам юксак кўрсаткичларга эришди. Ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили олинди.

Урганч районидаги Ленин номли, К. Маркс номли, Охунбобоев номли, Энгельс номли, «Пахтакор», «СССР 50 йиллиги», Хива районидаги Фрунзе номли, Беруний номли, «Партия XXII съезди», Ленин номли, Огаҳий номли, Хазорасп районидаги Жданов номли, К. Маркс номли, Боғот районидаги Нариманов номли, Янгиариқ районидаги Киров номли, «1 Май», Гурлан районидаги «Коммунизм», «Правда», Қўшкўпир районидаги Ленин номли, «Коммунизм», Хонқа районидаги «Хоразм», Ленинград» хўжаликларининг коллективлари давлатга пахта сотиш юзасидан йиллик ҳажмларни олдиндан ҳаторида бажардилар, ҳар гектар ердан 40 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олдилар.

Мўл ҳосил миришкорлари— Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Салой Худойқулиев, Карл Маркс номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Матёқуб Матназаров, Боғот районидаги Нариманов номли колхозидан Зариф Қурбонов, Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Машариб Мавлонов, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозидан Ўғилжон Нуруллаева, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Оллом Маткаримов, «Ленинизм» колхозидан Хўжаниёз Одамбоев, Урганч районидаги Ленин номли колхозидан Одамбой Аскаров, К. Маркс номли колхозидан Зариф Хўжақов, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозидан Зулайҳо Рўзметова ва Эшчон Жуманиёзов бошлиқ бригадаларнинг коллективларни ва бошқа бир қанча коллективлар ҳар гектар ердан 55—60 центнердан хирмон кўтариб, шу кунларда ҳосил йиғим-теримини тугалламоқдалар.

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозидан Нурмат Шерматов, Хива районидаги Беруний номли колхозидан Болта Болтаев, Янгиариқ районидаги Киров номли колхозидан Отахон Ибодуллаев, Урганч районидаги Ленин номли колхозидан Шариф Оллаберганов, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Амат Ҳайитметов, Хазорасп районидаги К. Маркс номли колхозидан Яраш Эшбоев, Шовот районидаги «Ленинград» колхозидан Назира Собирова пахта терш техникасидан самарали фойдаланиш учун ўтказилган социалистик мусобақада айниқса ибрат кўрсатдилар. Улар ипатоволикларнинг тажрибасини қўлланиб, «зангори кемалар билан 300—350 тонна дан пахта тердилар.

Областдаги шаҳарлар ва район марказларининг аҳолиси, корхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг коллективлари социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Область хўжаликлари давлатга дон, мева ва сабзавот маҳсулотлари, пилла топшириш юзасидан шу йилги планларини муваффақиятли равишда бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўтган йилдагидан анча илдам олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларидан илҳомланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосилини 450 минг тоннага етказиш учун, етиштирилган бутун пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

◆ **Шовот райони.** Давлат шовотлик заршунослардан қарийб 48.200 тонна хом ашё қабул қилиб олди.

◆ **Боғот райони.** Район меҳнаткашлари республика хирмонига 41 минг тонна биринчи сорт «оқ олтин» топширдилар.

◆ **Сирдарё райони.** Бу ерда давлатга 52 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди.

◆ **Марҳамат райони.** Марҳаматлик заршунослар республика хирмонига 42 минг тонналик улуш билан ҳисса қўшдилар.

◆ **Сурхондарё область Қумқўрғон райони механизаторлари** машинада пахта тариш планини уддаладилар. Улар «пўлат этак»лардан 29.700 тонна пахта бўшатдилар. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 116 тоннани ташкил этди.

◆ **Самарқанд области меҳнаткашлари** она-Ватанга 600 минг тоннадан зиёд дурдона армуғон этдилар. Ана шу марраданўзиб кетишда механизаторларнинг хизматлари катта бўлди. Мавсум қаҳрамонлари — Ислом шоир номли совхоз механизатори, СССР Олий Совети депутати Усмон Мамедиёров, Иштихон районидаги Навоий номли колхоз механик-ҳайдовчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Жўрақул Қўшоқов, Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан Баҳром Қайдуллаев, Пахтачи районидаги Калинин номли колхозидан Эшдавлат Санақулов, Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Насибали Тўрақуловлар ўз агрегатлари бункеридан 300—600 тоннадан «оқ олтин» бўшатдилар. Область бўйича ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этди.

◆ **Ёғин-сочин бошлангунча** ҳосилнинг ҳаммасини йиғиб-териб оламиз! — Сурхондарё области деҳқонларининг шиори ана шундай. Улар терим техникасидан кенг фойдаланишмоқда. 30 октябрь куни область далаларида 603 та пахта териш машинаси ишлади. Кўрак ўзишда 317 та агрегат, 37 та подборщик қатнашди. Улар кучи билан бир кунда 950 тоннагача хом ашё териб олинаётир.

◆ Бухоро область Навоий районидаги «Нарпай» совхози азаматлари мамлакатга 20 минг тонна пахта топширдилар. Ялпи ҳосилнинг тўртдан уч қисми машиналар ёрдамида териб олинди. Хўжаликнинг С. Ражабов, Э. Эшмуродов, Р. Аблаев сингари механизаторлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири агрегат бункеридан 350—400 тоннадан «оқ олтин» бўшатди.

ОЛИМЛАР ҲИССАСИ

«Саксонинчи йилларда экономиканы интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ниҳоясига етказилиши, меҳнат унумдорлиги ва сифати кескин оширилиши лозим», —деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида. Экономика самарадорлигини ўстириш ўз навбатида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга, илғор ғояларнинг унга таъсирини кучайтиришга таянади.

Марказий Комитет Пленуми халқ хўжалиги турли соҳаларини техника билан қайта қуроллантиришнинг катта программасини белгилади. Мамлакатимиз олимлари ана шу программани баланд руҳ билан қабул қилдилар, олимлар уни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Совет фани бу борада ғоят катта имкониятларга эга. Бизнинг мамлакатимиз қудратли иқтисоди ва илмий-техникавий потенциалга эга бўлган ҳолда 80-йилларга қадам қўймоқда. Илмий муассасаларнинг коллективлари КПСС XXV съезди кўрсатган йўлга амал қилиб, ўнинчи беш йиллик мобайнида фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш учун кўпгина иш қилдилар. Бу йўлда очилаётган резервлар ғоят каттадир. Чунончи, Москвадаги илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ташкилотлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, уларнинг янгиликларини муддатидан илгари жорий этиш бу йил камида 550 миллион сўмни тежаб беради. Украина ССР Фанлар академияси олимларининг ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланишдан кўрилган жами самара кейинги тўрт йил ичида миллиард сўмдан ошиб кетди. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг тармоқ министрликлари билан узоқ муддатга мўлжалланиб биргаликда тузган планлар асосидаги ҳамкорлиги яхши натижалар беришмоқда. Олий ўқув юртларининг олимлари корхоналар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ҳар йили 460 миллион сўмликдан кўпроқ тадқиқот ишларини бажармоқдалар.

Ватан фани изланишларининг уфқлари кенг, жабҳалари чексиздир. Ватан фани космос бўшлиқларини ўрганишдан тортиб то атом ичкарисига кириб боришгача кўпгина масъулиятли йўналишларда илғор позицияларни эгаллаб турибди. Коммунистик партия билан Совет давлатининг ғамхўрлиги туфайли у техника билан тобора кўпроқ таъминланмоқда. 1981 йилда илмий-тадқиқот ишларини пул билан таъминлаш учун СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган бюджетдан 22,6 миллиард сўм, яъни 1980 йилдагига қараганда 6 процент кўп маблағ ажратилмоқда. Ҳозирдаёқ тўпланган ва муттасил ортиб бораётган фан-техника потенциалидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш, унинг самарасини кўпайтириш, тадқиқотлар самарадорлигини оширш муҳимдир. Бунда фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқаларини мустаҳкамлаш, сифатини ошириш ҳамда илмий ва лойиҳа ечимларини жадаллаштириш, уларнинг натижаларини оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартириш биринчи даражали роль ўйнайди.

Олимларнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажаришга қўшадиган ҳиссаси кўп жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган изланиш стратегиясига боғлиқ бўлади. Фундаментал тадқиқотларга эътиборни [айни шу тадқиқотлар фан-техника тараққиётинги лиммо-лим оқимини таъминлаб турибди] амалий тадқиқотлар ва ечимлар тўғрисидаги ғамхўрлик билан моҳирона қўшиб олиб бориш керак. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига белгиланган планлар қандай бажарилаётганлигини назардан қочирмай, айни вақтда ўн биринчи беш йиллик биринчи йили фан-техника «ҳосилининг» мустаҳкам заминини вужудга келтириш зарур. 1981 йилги Давлат планига янги маҳсулотларни ўзлаштиришга доир 750 дан кўпроқ топшириқ ва 280 та технология жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш воситаларини ўзлаштиришга доир топшириқлар киритилган.

1981—1985 йилларда экономика самарадорлигини ошириш бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлида олға томон катта силжишни таъминлаш керак бўлади. Бунда олимлар олдига мураккаб масъулиятли вазифалар қўйдаланг қилиб қўйилади. Машинасозликни юксалтириш — ана шу вазифалар орасида энг муҳимидир. Энг бақувват илмий ва конструкторлик коллективларини ва даставвал СССР Фанлар академияси билан мудофаа тармоқларига қаратилган илмий ва конструкторлик коллективларини мана шунга йўналтириш позим. Халқ хўжалигини ривожлантиришга улар қўшадиган ҳисса яна ҳам кенг ва ҳар томонлама бўлиши мумкин. Ёқилғи-энергетика проблемалари атом энергетикасини ривожлантириш ва термо ядро синтезини эгаллаб олиш масалалари химия саноатининг халқ хўжалиги эҳтиёжларидан орқада қолаётганлигини бартараф этиш имконини берувчи комплекс тадбирларга олимларнинг зўр эътибор беришлари талаб қилинади.

Илмий изланиш самарадорлигини бундан буён ҳам ошириш, тадқиқотларни ташкил этиш ва уларни бошқаришни яхшилаш, тадқиқот натижаларини амалда ўзлаштиришни жадаллаштириш зарур. Бу ишда ҳали кўп ландовурлик қилинмоқда, интизомсизлик ҳоллари тез-тез учраб турибди. Чунончи, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида янги техника жиҳатидан давлат плани топшириқлари номенклатурада фақат 84 процент, энг муҳим илмий техника проблемаларни ҳал этиш программалари бўйича эса 92 процент бажарилди холос. Энергетика ва электрлаштириш, Қора металлургия, Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрликлари ва бошқа министрликлар янги техникани яратиш ва ўзлаштириш планларини бутун ўнинчи беш йиллик давомида бажармай келмоқдалар. Турли институтларнинг кўпгина илмий бўлинмалари танлаб олган тематиканинг актуал эмаслиги тўғрисида анчадан буён асосли равишда гапириб келинмоқда. Асоссиз равишда бир хил тадқиқотларни ўтказиш ва уларни такрорлаш, куч-ғайратни асосий йўналишларга жамлаш ўрнига куч ва маблағларни кўпдан-кўп майда мавзуларга сочиб юбориш ҳоллариига барҳам берилган эмас.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари фан-техника тараққиётини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштиришнинг ишончли йўлини кўрсатиб беради. Бу—тармоқ программалари методидан кенг фойдаланиш йўлидир. Ўнинчи беш йилликда ана шундай программаларни ишлаб чиқиш ва бажариш соҳасида қимматли тажриба тўпланган бўлса-да, нуқсонлар ҳам аниқланди. Ҳар бир шундай программа пировард натижага, бирон бир проблеманы тўла ҳал этишга қаратилган ва асосланган аниқ ҳисоб-китобларга таянадиган тадбирлар планидан иборат бўлишига эришиш зарур. Программаларни бошқариш системасини ҳам яхши йўлга қўйиш керак. Бунда СССР Госплани, СССР Фан ва техника давлат комитети, республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ҳамда совет органлари кўп иш қилишлари керак бўлади.

Фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ўз моҳиятига кўра чуқур партиявий иш ҳамда миқёси ва кўлами жиҳатидан чинакам умумхалқ вазифасидир. Илм-фан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг миллионлаб ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириғига янги конкрет ишлар билан жавоб қайтаришларига эришиш — партия ташкилотларининг бурчидир.

— СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН АКТИВ КУРАШИНГИЗ!

[«Правда» газетасининг 31 октябрь сонидаги бош мақоласи].

ПАРТИЯ БИЛАН, ХАЛҚ БИЛАН ҲАМИША ҲАМНАФАС

(Бошы биринчи бетда).

Тарихий революцион проза жанрига қизиқарли китоблар қўшилди. Назир Сафаровнинг «Наврўз», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романлари, Ўрта Осиёда граждан урушини билган ва тадқиқотчиси Михаил Шевердиннинг «Жайҳун» романи шундай асарлар жумласидандир. Владимир Липконинг «Сенинг зафаринг» романи Тошкентдаги революцион воқеаларга бағишланган.

Ўзбекистон адабиётида Улуғ Ватан уруши мавзуи катта ўрин эгаллайди. Борис Пармузининг «Бегона шамоллар қаҳри» роман-хроникасини, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Тихомоловнинг «Хотира» китобларини, Иброҳим Раҳим, Вали Ғафуровнинг романларини китобхонлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди.

Зулфия, Рамз Бобожон, Уйғун, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Омон Матчон, Халима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Нормурод Нарзуллаев шу йиллар мобайнида совет поэзиясига янги сатрлар киритдилар.

Интернационал руҳдаги, чуқур мазмундаги ҳозирги замон Ўзбекистон адабиёти СССРдаги кўпгина халқлар тилларида яратилмоқда. Ёзувчиларнинг ҳар бири учун она тилида ижод қилиш ва ўз асарларини нашр этиш учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Докладчи икки идеология, икки дунёқарашнинг муросасиз кураши кучайиб бораётган ҳозирги халқаро вазиятда ёзувчилар ижодининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Совет, шу жумладан ўзбек адабиёти ҳам инсонпарварлик ва тараққиётнинг порлоқ идеалларини жаҳонга ёймоқда. Совет адиблари ҳамиша тараққипарвар фикрдаги адибларнинг биринчи сафида бўлиб келгандар. Чунончи уларнинг ташаббуси билан Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1-конференцияси, яна бир неча йилдан кейин эса шу конференциянинг 20 йиллигига бағишланган учрашув, шунингдек Осиё ва Африка ёш адибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Докладчи Совет Ўзбекистони адиблари бундан буён ҳам ўзларининг бутун истеъдодлари ва ғайратларини Ленин партияси ишига сарф қилаверадилар, бутун совет халқи билан биргаликда коммунизм сари зафарли одим ташлаб, одамларни янгидан-янги галабаларга руҳлантираверадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси Ўткир Рашид комиссия номидан доклад қилди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари республика Олий Советининг иккинчи сессиясига тайёргарлик ишини олиб бормоқда. Сессияда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда республиканинг 1981 йилги бюджети қабул қилиниши керак. Илгари хабар берилганидек, доимий комиссиялар тузган тайёргарлик комиссиялари Олий Совет Президиумининг топшириғига биноан, ўз мажлисларида план ва бюджетнинг тегишли бўлимларини олдиндан кўриб чиқмоқда.

Тайёргарлик комиссиялари халқ хўжалигини ривожлантириш учун республикада мавжуд ички резервлар ва имкониятларни излаб топишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда комиссиялар министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ҳисоботларини муҳокама қилмоқда, уларни муфассал таҳлил этмоқда, уларнинг фаолияти КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда қўйилган талабларга қанчалик мос келишини анализ қилмоқда.

Республика иқтисодий ва социал тараққиёт планининг асосий кўрсаткичлари бўйича тайёргарлик комиссиясининг мажлисида министрлик ва идораларнинг раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда зарар кўраётган корхоналар сонини қисқартириш, электр энергияси ва иссиқлик энергиясини тежаш борасидаги тадбирлар тўғрисида, маҳаллий ресурслар ҳисобига харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

1981 йилги Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари билан шуғулланувчи тайёргарлик комиссияси смета-штат интизомига риоя этиш ҳамда бошқариш органларини ишлатишга кетадиган харажатларни қисқартириш борасидаги топшириқларни министрликлар ва идоралар қай таҳлитда бажараётганликлари масалаларини, келгуси йилги давлат страхованиеси планини муҳокама қилди. Тошкент области маҳаллий бюджети қандай бажарилаётганлиги ҳамда бу йил оборот солиғи планининг бажарилиши кутилаётганлиги тўғрисида қилинган докладлар тингланди.

Саноат кичик комиссиялари мол хилларини янада кўпайтириш ва маҳсулот сифатини янада ошириш масалаларини кўриб чиқди.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа тайёргарлик комиссиялари уй-жой, умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларини ишга тушириш борасида беш йиллик план қандай бажарилаётганлигини, шаҳарлар ўртасида юк ташишни ташкил қилишни яхшилаш, контейнерларни кенг қўламда қўллаш борасидаги тавсиялар қандай амалга оширилаётганлигини ва бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

Қишлоқ хўжалик тайёргарлик комиссияси республика совхозлари маҳсулотининг таннархини арзонлаштириш ва бу хўжаликларнинг рентабеллигини янада ошириш чораларини кўриб чиқди. «Узплодоовощвинпром», «Ўзбекбирлашув», «Ташплодоовощ» бирлашмасининг вакиллари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг фойдаланилиш топшириқлари бажарилганлигини маълум қилди.

Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари янгича сугориш усулларини жорий этиш борасида илгари айтилган тавсиялар бажарилганлигини сув хўжалиги тайёргарлик комиссиясига маълум қилдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш комиссиясининг аъзолари ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, дарахт кўчатлари ўтказиш планини бажариш, айланма сув таъминот системасини жорий этишда ҳамда республиканинг саноат корхоналари сувдан муттасил фойдаланиши билан боғлиқ кўп масалаларни муҳокама қилдилар.

Халқ маорифи, фан ва маданият тайёргарлик комиссияларининг мажлисларида мактабларда куни узайтирилган группалар ишини яхшилаш, республикада маданий-маърифий муассасаларни янада ривожлантириш борасида айтилган тавсиялар қандай бажарилганлиги муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот тайёргарлик комиссияси аҳолига дориларнолар етказиб беришни яхшилаш, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикада физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди.

Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва маиший хизмат комиссиялари республика аҳолисини сифатли ва харидоргир ғоят хилма-хил моллар билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқда маиший хизматни ривожлантириш масалалари билан шуғулланди.

Тайёргарлик комиссиялари план ва бюджетнинг тегишли бўлимлари юзасидан ўз хулосаларини тузиб чиқди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ И. Қ. МУСАБОЕВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Медицина фанини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Исоқ Қурбонович **Мусабоев Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 30 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги билан СССР Целлюлоза-қоғоз саноати министрлигини битта иттифоқ—республика министрлигига—СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигига бирлаштирди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Степан Алексеевич **Шалаевни** СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри қилиб тайинлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик илмий-педагогик ишлари, қишлоқ хўжалигининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Тошкент қишлоқ хўжалик институти пахтачилик кафедрасининг профессори ўртоқ Александр Иванович **Шлейхерни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«КОСМОС-1218» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1980 йил 30 октябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги йўлдоши «Космос-1218» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТАЖРИБАНИ ЎРТОҚЛАШМОҚДАЛАР

БУДАПЕШТ. Тармоқдаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Мишкольцдаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатида совет металлургия саноати кунлари бошланди. Бу ерга келган совет мутахассислари, ишчилари иш тажрибасини ўртоқлашадилар, совет металлургиясининг сўнгги ютуқлари ҳақида гапириб берадилар. Совет мутахассислари Венгриядаги ана шу корхонага тез-тез келиб турадилар. Уларнинг бевосита иштирокида бу ерда йирик цехлар қурилди. Бу цехларда совет техникасидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозир Совет — Венгрия ҳамкорлиги доирасида комбинатда янги конвертор цехи қурилмоқда. Бу цех металлургия саноатида беш йилликнинг энг йирик қурилиши деб эълон қилинди.

МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. София аҳли меҳнатда катта ғалабага эришди — меҳнаткашлар ижтимоий меҳнат унумдорлиги юзасидан беш йиллик планни белгиланган муддатдан анча барвақт бажарганликлари тўғрисида Ватанга рапорт бердилар.

София шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида саноат корхоналарида, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалик ташкилотларида, пойтахт экономикасининг ҳамма бўғинларида юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазияти вужудга келтирилди. Пойтахт аҳолиси БКП XII съездигача қолган кунларни меҳнатда катта ютуқларга эришиш кунлари, деб эълон қилишди. Саксондан кўпроқ корхона ва ташкилот, бир мингдан ортиқ бригада ва цех барча кўрсаткичлар бўйича ҳозирдаёқ беш йиллик планларини бажариб қўйишди.

«СССР учун мўлжалланган маҳсулотни барвақт ва юқори сифатли қилиб ишлаб чиқарамиз» деган шиор остида бошланган ҳаракат Софияда социалистик мусобақанинг таркибий қисми бўлиб қолди. (ТАСС).

АҚШ. Чикагонинг 11 минг транспортчиси янги коллектив шартнома тузилиши учун қатъий кураш олиб бормоқда. Уларнинг вакиллари автобуслар, метро ва шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг ҳайдовчилари ўз талаблари тўла қондирилиши учун нурашиларни билдирдилар. Суратда: иш ташлаган транспортчиларнинг пикети.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

СОВЕТ ЭКСПОНАТЛАРИГА МЕДАЛЛАР

Чехословакиянинг Брно шаҳрида шу кунларда ўтаётган ихтиро ва техник янгиликлар халқаро виставкаси «Инвекс-80»даги совет экспонатлари учта олтин медаль олди. Ишлов берувчи станокларга мўлжалланган янги абразив паста тайёрланганликлари учун Украина Фанлар академиясининг олимлар коллективи, цемент ишлаб чиқариш оригинал технологиясини яратган тошкентлик мутахассислар группаси, шунингдек теплообменник янги конструкцияси учун совет ихтирочилари коллективи олий мукофотларни олди.

«Инвекс» анъанавий виставкага айланди. У Чехословакиянинг ҳамма жойларидан ва чет эллардан тобора янгидан-янги қатнашчиларни йиғиб олтинчи марта ўтказиляпти. ЧССР рационализаторлари ва ихтирочилари ҳаракатининг республика экономикасига қўшаётган ҳиссаси кўпайиб бораётганлиги туфайли шундай бўлмоқда. Улар ҳозирги беш йилликнинг ўзидагина мамлакат халқ хўжалигида 30 миллиард кронлик кўп пул тежадилар.

Ҳозирги виставка ишида Чехословакиядан ташқари СССР, Венгрия, ГДР, Польша, Франция ва Дания ҳам қатнашмоқда. (ТАСС).

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД. Ироқ бош қўмондонлиги Ироқ авиацияси Ахваз шаҳрининг жанубий чеккасида йиғилган Эроннинг ракета установкаларини, шунингдек Гилонинг ғарб районида тўпланган Эрон қўшинларини бомбардимон қилганлигини билдирди. Ироқ томони шу ҳужумларда икки самолётдан маҳрум бўлди.

Ахборотда айтилишича, Эрон авиацияси Ироқнинг Майсан вилоятидаги граждан объектларига ҳужумлар қилган.

Ироқ қўшинлари ерда ўтказилган операцияларда бир неча танк, тўплар, кўпдан-кўп транспорт воситаларини мажақлаб ташлаганликлари айтилади. Ироқ қўшинлари Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг икки қирувчи бомбардимончи самолётини уриб туширганлар. Ироқдан Эронга халқ лашкарларининг биринчи бўлинмаси жўнатилди. Улар мунтазам армия қисмлари билан бирга уруш ҳаракатларида бевосита қатнашадилар.

ТЕҲРОН. Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг маълум қилишича, Эроннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари Ироқнинг икки бомбардимончи самолётини ва битта қирувчи самолётини уриб туширганлар. Ироқ артиллерияси Ахваз ва Ободонни тўпга тутган. Эрон артиллерияси Ахваз билан Ободон ўртасидаги, шунингдек Эрон вилоятидаги участкада душманнинг позицияларини бир неча бор тўпга тутди. Эрон вертолётлари Ироқ армиясининг позицияларига ҳужумлар қилди. Умуман кейинги уч кунда, деб хабар қилади Теҳрон радиоси, эронликлар бир қанча районларда душмани чекинишга мажбур қила олдилар. Баъзи жойларда душман 18 километргача чекинди. (ТАСС).

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ МОЖАРО КИМГА НАФ БЕРАДИ

Ироқ билан Эрон ўртасидаги қуролли можаро тобора чўзилиб бормоқда. Бир неча юз километрга чўзилган фронтда жанговар операциялар давом этмоқда. Бу ҳаракатларда тўплар, танклар қатнашмоқда. Иккала томоннинг самолётлари фронт чизигига яқин жойда ҳам, душманнинг анча ичкари томонида ҳам жойлашган шаҳарларга, саноат ва ҳарбий объектларга бомбалар ташламоқда. Шатт-ал-Араб дарёси этакларида денгиз жангларидаги давом этмоқда. Иккала томондан кўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда, техника мажақланмоқда, тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони ортиб бормоқда. Шу пайтгача иккала мамлакатнинг экономикасига анча катта зиён етди.

Аввалига Шатт-ал-Араб дарёсининг сўл соҳилидаги территориянинг чоғроқ участкасини даъво қилган Ироқ энди Эроннинг бутун бир Хузистон вилоятини даъво қила бошлади. У қадим ўтмишга илдизи бориб тақаладиган баъзи бир территориал даъволар қондирилишни талаб қилмоқда. Урушнинг дастлабки кунларидаги мағлубиятларга қарамай, Эрон қўшинлари қатиқ қаршилик кўрсатмоқда. Теҳрон Эрон территориясида Ироқнинг битта ҳам солдати қолмагунча урушни давом эттиради, деб айтмоқда.

Кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшаб кетадиган иккала мамлакат ўртасида қандай қилиб қонли можаро чиқиши мумкин бўлди (уларнинг иккаласи ҳам қўшилмаслик ҳаракатининг қатнашчиси, иккаласи ҳам империализмга қарши актив позицияда турган давлатку ахир)? Бу можаро иккала мамлакатга жуда катта шикаст етказмоқда, жаҳон ва аввало Америка империализмининг кучайиб бораётган ҳарбий аралашуви хавфи қаршисида уларни заифлаштириб қўймоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги антиимпериалистик фронтни парчалаб ташлашдан, бу фронтда муҳим роль ўйнаётган Эрон билан Ироқни заифлаштиришдан манфаатдор бўлган кимсалар Ироқ билан Эрон ўртасидаги бородаркушлик урушини келтириб чиқарганликлари ва уни зўр бериб авж олдираётганликларига шак-шубҳа йўқ. Бу кимсалар шу районнинг нефть бойликларини қўлга киритиб олишни, бу районда ўз қўшинларини мустаҳкам ўрнаштириб қўйишни кўзламоқдалар. Шу муносабат билан Америкадаги «Тайм» журналининг АҚШ ва унинг иттифоқчилари шу райондаги ўз таъсири ва қуролли кучларини сақлаб қолишдан «манфаатдор» эканини изоҳлаб ёзган қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «капиталистик дунё ўзи ишлатаётган жами нефтнинг тахминан 40 процентини шу ердан олмоқда. АҚШ эса ўз эҳтиёжларининг учдан бир қисмини шу район нефти билан қоплямоқда».

Дарҳақиқат, Оқ уй Эрон—Ироқ можаросида «бетараф» эканлиги тўғрисидаги расмий баёнотлар ниқоби остида дарҳол ҳаракат қила бошлади. Оклахомадаги (АҚШ) ҳарбий-ҳаво базасидан Саудия Арабистонига АВАКС жосуслик кузатуви системаси билан таъминланган тўртта самолёт, шунингдек ерга ўрнатиладиган радиолокация станцияси келтирилди. Американинг 30 дан ортиқ ҳарбий кемаси, шу жумладан 170 та ҳарбий самолёт жойланган иккита кемасидан иборат жуда катта эскадраси Форс кўрфазига яқинлаштирилди. АҚШ «тез ҳаракат қилиш кучлари»ни Форс кўрфази районига юборишга ҳозирлик кўрмоқда. АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқда тайёрланаётган авантюрага НАТОдаги бошқа мамлакатларни ҳам жалб қилмоқда.

Бу иғвогарлик ҳаракатлари — шу йилнинг январь ойида эълон қилинган «Картер доктринаси» деб аталган доктрина амалга оширилишининг бевосита натижасидир. Шу доктринада, жумладан, Форс кўрфази «Американинг ҳаётий манфаатлари райони» деб эълон қилинган, «шу районга бўладиган хавфни АҚШ ҳар қандай воситалар билан даф қилишга» тайёр эканлиги айтилган. Ўша вақтда «Кристчен сайенс монитор» газетаси «Картер доктринаси»ни шарҳлаб, АҚШ «нефть қазиб олиш, тақсимлаш ва унга нарх қўйиш устидан конроллик ўрнатишга уриниш учун кучдан фойдаланиш»га тайёр эканини ёзган эди.

Мана шу машъум «доктрина»га мувофиқ шу йилнинг бошларидан бери АҚШдан жуда олис бўлган мазкур районда Америка қуролли кучларини кўпайтиришга киришилди. Ироқ билан Эрон ўртасида бородаркушлик уруши давом этаётган ҳозирги пайтда эса Вашингтон ўзининг агрессив режаларини эҳтиёжлик билан амалга оширишга уриниш мақсадида қуролли йўл билан аралашиш учун қулай пайтни пойламоқда.

Шунинг учун ҳам Ироқ—Эрон можароси сабабли Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятнинг кескинлашуви тинчликни қадрловчи барча кишиларни жуда ташвишга солмоқда. Бизнинг мамлакатимиз Ироқ билан Эрон ўртасидаги низоли масалалар ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай, музокаралар йўли билан тезроқ ҳал этилишининг қатъий тарафдоридир. Совет Иттифоқининг позицияси шундан иборатки, дунёнинг бошқа ҳар қандай районы каби Форс кўрфази районы ҳам — бошқа қандайдир давлатларнинг эмас, балки шу районда жойлашган давлатларнинг ҳаётий манфаатлар соҳасидир. Бас, шундай экан, уларнинг ишларига васий ёки сохта «тартиб посбонлари» сифатида ҳеч кимнинг аралашишига ҳаққи йўқ.

Т. КУДРЯВЦЕВА, (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЛИССАБОН. Португалияда анъанавий Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Бу маданий тадбир Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрамига бағишланган. Бу йил СССРдан Россия Федерацияси вакил бўлиб келди. Программага биноан кўплаб кўргазмалар, кинокўрликлар, концертлар ўтказилади, ўнлаб лекциялар ўқилади. (ТАСС).

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЖАЗОИРЛИК ДЎСТЛАР!

Уз миллий байрами — революциянинг 26 йиллигини нишонлаётган Жазоир меҳнат аҳлининг жуда катта бунёдкорлик ишлари, улар эришаётган улкан иқтисодий ва социал ўзгаришлар совет кишиларида, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашларида зўр қизиқиш туғдирмоқда. Тошкент жамоатчилиги намояндаларининг 31 октябрь куни В. И. Ленин Марказий музейининг филиали залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди. «Жазоир — СССР» дўстлик жамиятининг Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳукмрон миллий озодлик фронти партияси Марказий Комитети аъзоси Абдил Қодир Ҳажар бошчилигида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган делегациясини йиғилиш қатнашчилари азиз меҳмонлардек кутиб олдилар.

Тинчлик ва социал тараққиёт учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда совет ва Жазоир халқлари манфаатларининг муштараклиги, деб таъкидланди йиғилишда, ҳар иккаси мамлакат меҳнаткашлари ўртасида йил сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ришталарининг ишончли негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Жазоир делегациясининг бошлиғи Абдил Қодир Ҳажар йиғилишда сўзга чиқиб, бундай деди:

— Революциямизнинг миллий байрамини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги арафасида нишонлаётганлигимиз муҳим воқеадир. Худди Улуғ Октябрь революцияси бутун дунё халқларига, шу жумладан мамлакатимиз халқларига миллий ва империалистик зулмдан халос бўлишнинг бирдан-бир тўғри йўлини кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда ленинчи Марказий Комитет бошчилигидаги Коммунистик партия раҳномалик қилаётган совет кишиларининг бутун фаолияти биз учун доимий ва ишончли намуна бўлиб хизмат қилади.

Йиғилиш қатнашчилари Жазоир революциясининг 26 йиллиги муносабати билан «Жазоир—СССР» дўстлик жамияти номига табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ХОРАЗМ ПАХТАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

ОБЛАСТЬ ЗАРШУНОСЛАРИ ВАТАНГА 420 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИБ, МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР.

ҚЎШ ОРДЕНли Хоразм областининг пахта карвони маррага етиб келди. 420 минг тонна дурдона Ватан хазинасига туҳфа қилиниб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида олинган социалистик мажбурият бажарилди. Бу республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу факт қувончлиги, Улуғ Октябрнинг шонли байрами арафасида ғалаба рапортига имзо чекилди. Бу муваффақият — КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларида қишлоқ меҳнаткашларига қарата қилинган жанговар даъватига, республика партия ва ҳукуматнинг Мурожаатига амалий жавоб бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси ҳужжатлари, партиямиз ва давлатимиз раҳбари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган илҳомбахш нутқи совет кишиларининг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини беқиёс оширган, КПСС XXVI съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйган бир пайтда пахтакорларимиз қўлга киритган ғалаба мислсиз жасорат, самараси, ватанпарварлик ва интернационал бурчга чексиз садоқат тимсолидир.

Область партия ва совет ташкилотлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, партиямиз белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришга оммани моҳирлик билан сафарбар этдилар. Қишлоқ хўжалигини ва унинг етакчи тармоғи пахтачиликни юксалтириш уларнинг ҳамиша диққат марказида турибди. Деҳқончиликка фан ютуқларини прогрессив методларни ва илғор тажрибаларни дадиллик билан жорий этиш туфайли пахтакорларимиз бир неча йилдан буён муттасил, барқарор юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бу борада давлатнинг жуда катта моддий-техника ёрдами муҳим роль ўйнаётганлигини миннатдорчилик билан қайд қилишимиз керак. Бу йил ҳам пахтадан рекорд ҳосил етиштиришга эришилди. Область миқёсида ҳар бир гектар майдондан 40,4 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш ҳазилакам кўрсаткич эмас. Илғор районлар, хўжаликлар ва бригадалар ҳосилдорликни янада оширишга муваффақ бўлдилар. Хива, Хонқа районларида пахта тайёрлаш ҳажми бўйича йиллик ва беш йиллик марралар муддатидан илгари эгалланиб, планга қўшимча равишда бир неча минг тонна пахта топширилди. Мўл ҳосил етиштириша Урганч, Янгиариқ, Қўшкўпир ва Гурлан районлари пахтакорларининг тажрибалари ҳар тарафлама ибратлидир. Хазорасп, Боғот ва Шовот районлари ҳам область хирмонига баракали ҳисса қўшдилар. Хонқа районидаги Ленин номли колхоз областда биринчи бўлиб маррага етиб келди. Колхозда ҳар йилгидек бу йил ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Пешқадам хўжалик азаматлари пахтанинг ялпи ҳосилини 10 минг тоннага, ҳосилдорликни 53 центнерга етказиш учун кураш олиб боришяпти. Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз пахтакорларининг марралари ҳам 10 минг тонна. Комплекс тараққиёт йўлидан бораётган бу хўжаликларда ўтган йилларда эришилган ютуқлар мустаҳкамланмоқда, янги юксак довонлар эгалланаётир.

ЖАСОРАТ САМАРАСИ

Хива районидаги Фрунзе номли, Беруний номли, Урганч районидаги Ленин номли, «1 Май», Қўшкўпир районидаги «Тошкент», Гурлан районидаги «Коммунизм», «Ленинизм», Хазорасп районидаги Карл Маркс номли, Шовот районидаги «Ўзбекистон» колхозларининг «оқ олтин» карвонлари пойганинг олдинги сафларида бордилар. Бу колхозлар ва бошқа кўпгина илғор хўжаликлар пахта ҳосилини анча кўпайтиришга, биринчи сортлар ҳисобига планни бажаришга эришдилар. Саноатга юқори сифатли пахта етказиб бериш давлат учун манфаатли бўлибгина қолмай, колхозларга ҳам катта иқтисодий фойда келтирди.

Хоразм рекорд ҳосил етиштирган азамат пахтакорлар макони деб бежиз айтилмаган. 60—65 центнерчи бригадалар бу сўзларнинг ҳаққоний эканлигини амалда исботламоқдалар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун курашда байроқдор бўлиб келаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Салой Худойқулиев. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Зариф Қурбонов, Матёқуб Матназаров, Машариф Мавлонов, Ўғилжон Нуриллаева, Ободон Дўсова, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Саидов, республикада хизмат кўрсатган механизатор Пўлат Маткаримов, В. Маҳмудов, О. Маткаримов, Х. Одамбоев, Н. Раҳимов, М. Бобожонов каби пахта усталари бошчилик қилаётган бригадалар рекорд ҳосил етиштиришга эришдилар. Боғот ва Шовот районларида ҳам область хирмонига баракали ҳисса қўшдилар. Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз областда биринчи бўлиб маррага етиб келди. Колхозда ҳар йилгидек бу йил ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Пешқадам хўжалик азаматлари пахтанинг ялпи ҳосилини 10 минг тоннага, ҳосилдорликни 53 центнерга етказиш учун кураш олиб боришяпти. Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз пахтакорларининг марралари ҳам 10 минг тонна. Комплекс тараққиёт йўлидан бораётган бу хўжаликларда ўтган йилларда эришилган ютуқлар мустаҳкамланмоқда, янги юксак довонлар эгалланаётир.

Область партия ва ҳукуматимиз ёрдамига таянган азамат пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодирдирлар. Қўлга киритилган муваффақият умумий сафарбарлик ва уюшқоқлик, табиат инжиқлиги ва кузги ёғингарчиликлар сабабли юз берган қийинчиликларни енгишда кўрсатилган зўр матонат ва букилмас ироданинг натижасидир. Бу йилги тажриба кимки фан ютуқларини, прогрессив усулларни, комплекс механизацияни жорий этишда дадиллик, журъаткорлик кўрсатса, унинг қўли баланд эканлигини яна бир марта исботлади.

Партия комитетлари, бошланғич ва цех партия ташкилотлари, муваққат партия группалари социалистик мусобақага моҳирлик билан бошчилик қилганликлари, дала меҳнатчилари ўртасида жонли ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтирганликлари, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ишлар ғалабани таъминлашда, шубҳасиз муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дўстлик ва биродарликнинг шарофатини биз ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Ўзларининг ибратли тажрибаларини ўртоқлашиш, қимматли маслаҳатлари, қардошлик ёрдамлари билан областимиз эришган муваффақиятга ҳисса қўшганликлари учун мусобақадош Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССРнинг Тошҳовуз области пахтакорларига самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам комплекс ривожлантиришга катта эътибор бермоқдамиз. Область шоликорлари эл ҳазинасига 75 минг тонна қирмизи дон етказиб бериб, олинган мажбуриятни шараф билан уддаладилар. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, жун, қорақўл тери, пилла тайёрлаш планлари тўла ва ошириб бажарилди.

Республика қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни адо этган пахтакорларимиз янги юксак довонни кўзламоқдалар. Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини охирги граммларигача увол қилмай ва қисқа муддатда йиғиштириб, келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарликни кучайтириб юбориш, чорва қишловига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш шу кунлардаги ғоят муҳим ва масъулиятли вазифамиздир.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида янги юксак марралар турибди. Пахтачилик шу билан бирга, барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни узлуксиз кўпайтириб боришимиз керак. Хоразмликлар КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида, СССР Олий Совети тўртинчи сессияси қабул қилган ҳужжатларда белгиланган улуғвор режаларни бажариш учун астойдил курраш олиб бориб, КПССнинг XXVI съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совғалар тайёрлайдилар.

Қ. САФОЕВ,
халқ депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитетининг раиси.

Дала гвардиячилари деб шарафли ном олган механизаторлар терим қизиган кунларда 10—15 тонна ва ундан ошириб пахта териб, область хирмонига барака киритдилар. Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоз механизаторлари ҳам мавсумда астойдил ишладилар. Улар кучи билан кунига 250—300 тоннадан пахта териб олинди. Бу йиллик планнинг 5—6 процентини ташкил қилади. Суратда: теримда пешқадамлик қилган механик-ҳайдовчи Султон Вафоев.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАМИША ҲАМКОРМИЗ

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан шаҳардаги 160 га яқин корхона муассаса ва ташкилотларнинг коллективлари пахта теримида қатнашиш учун областимизнинг унумдор пахта далаларига отландилар. Олий ўқув юртларининг студентлари, мактабларнинг ўқувчилари кўрсатган амалий ёрдам айниқса бебаҳо бўлди. Шу кунга қадар ёрдамчилар 20 минг тоннадан ортиқ пахта теришди.

Урганч, Гурлан ва Хонқа районлари пахтакорлари Урганч пиллакашлик фабрикаси, Хоразм тикувчилик бирлашмаси, Ленин номидаги давлат педагогика институти коллективларининг ёрдамларидан айниқса миннатдордирлар. Ишчи-хизматчилар, студент-ўқувчилар теримда ибрат намунасини кўрсатиб ишламоқдалар. Терим энг қизиган кунларда ҳар бир студентнинг бир кунда терган пахтаси 150—180 килограммни ташкил этди.

Айни кезда шаҳар партия комитети ходимлари колхоз ва совхозларда бўлиб, теримчилар, механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, идеология ишларининг таъсирчанлигини оширишда партия ташкилотларига кўмаклашдилар. Жойларда лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилди. Деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар, «Молния»лар ўз вақтида чиқариб турилди, илғорлар тажрибаси оммалаштирилиб, камчиликлар танқид қилинди.

Областимизнинг 420 минг тонналик «оқ олтин» хирмонида шаҳар меҳнаткашларининг ҳам муносиб улуши борлиги билан фахрланамиз.

О. СУЛТОНОВ,
Урганч шаҳар пахта штабининг аъзоси.

СЎЗ—ҚЎРИҚ ЦЕНТНЕРЧИЛАРГА

Салой ХУДОЙҚУЛИЕВ — Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз бригадири, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони: — Областимиз она-Ватан хазинасига 420 минг тонна Хоразм дурдонаси етказиб бериб, социалистик мажбуриятини бажарди. Бу хушхабар ҳаммамизнинг дилимизни чексиз қувончларга тўлдирди.

Хоразм шароитида бу йил пахтачилик учун бир оз ноқулай келди, катта майдонларга чигит қайта экилди, қисман сув танқислиги юз берди, шамолбўронлар бўлди, қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўпайди. Халқимиз партия ташкилотлари бошчилигида ана шу қийинчиликларни зўр ирода билан енгиб, барча майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштирди, йиғим-терийни уюшқоқлик билан якунламоқда. Бизнинг бригадамиз 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан «оқ олтин»ни хирмони кўтарди. Қўшнимиз Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Матёқуб Матназаров бошлиқ бригадаси ҳам шундай қувончли натижага эришганини мамнунлик билан айтиб ўтамиз.

Одамбой АСҚАРОВ — Урганч районидаги Ленин номли колхознинг Ленин орденли бригадири: — бугунгача ҳар гектар ердан хирмонга топширган пахтамиз 56 центнер бўлди, ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам яна гектаридан 4 центнердан ҳосил олиб, 60 центнерлик маррасини сўзсиз эгаллаймиз.

Бу йил алоҳида таъкидлайдиган ютуқларимиздан бири шу бўлдики, пахтанинг асосий қисмини «зангори кема»ларда териб олиш билан фақат биринчи сортга топширдик. Бу колхозимизнинг умумий, ўзимизнинг шахсий даромадимиз кескин кўпаяди дегани. Колхозимизнинг Қурбондурди Олланазаров, Саъдулла Шерхоновлар бошлиқ бригадалари ҳам 50 центнердан «оқ олтин»ни хирмони кўтарди. Тажриба шуни кўрсатдики, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки босқичи — 1981 йилда деярли ҳамма бригадаларимизда гектаридан олинадиган ҳосилни 60 центнерга етказиш учун имкониятлар бор ва биз бунга эришамиз.

Матниёз БОБОЖОНОВ — Шовот районидаги «Ленинград» колхозининг бригадири: — илғори бизнинг шароитимизда гектаридан 50—60 центнердан пахта ҳосили олиш мумкин дейилса ҳеч ким ишонмас эди. Чунки ўрларимиз шўр, сизот сув юза жойлашган, баҳор кеч бошланиб, куз эрта тушади. Шунга қарамай фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни дадиллик билан қўлга киритиб, ана шу ишларимиз ҳосилдорлигини ошириш учун курашяпмиз. Меҳнат билан етиштирилган дурдонамизнинг бир граммини ҳам нобуд қилмаймиз.

Оллом МАТКАРИМОВ — Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири: — олтмиш центнерчилик ҳаракати бизнинг бригадамизда бошланган эди. Ҳозир областимиз бўйича ўттизга яқин бригада ана шу маррани эгаллаб, катта зафарга муносиб улуш қўшди. Биз ҳоҳлардикки, бундан кейин ҳам олтмиш центнерчилар сафи кескин кенгайсин. Халқимизда «Ўнта бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи» деган нақл бор. Олтмиш центнерчилар сафи ўсган сари колхозлар, совхозлар, районлар, қолаверса, областимизнинг пахтаси кўкка бўй чўзаверади, Хоразмнинг ҳосилдорликдаги шуҳрати ошаверади.

Машаркф МАБЛОНОВ — Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригадири: — мендан кўпинча 60 центнерчиликнинг сири нимада деб сўрашади. Кузда план тўлиб, мажбурият бажарилгач ғўзапояни тезда йиғиштириб оламиз, ҳар гектар ер ҳисобига 25—30 тонна органик ўғит соламиз, шўр ювишни сифатли ўтказамиз. Қиш ойлари ичида иложи борича кўпроқ маҳаллий ўғитлар тўплаймиз.

Область партия комитетининг бюроси 60 центнерчи бригадаларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилган эди. Бу яхши самаралар берди ва областнинг 420 минг тоннаник «оқ олтин» хирмонини бунёдга келтиришда катта роль ўйнади. Ҳар бир район ва колхозда келаси йили олтмиш центнерчилар сафини янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

ҚЎРИҚ ХАЗИНАСИ

Унинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи чўлқуварларимиз учун зафарли бўлди. 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» териб олиб, тайёрлов пунктига 500 тонна чўл дурдонаси топширдик, социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажардик.

Бригадамизда ишчи кучи кам. Шуни ҳисобга олиб пахтачиликдаги ишларнинг ҳамма масини машиналар гарданига ортмоқдамиз. Энг муҳими — чўл шароитида етиштирилган пахтанинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан фақат машиналар ёрдамида йиғиб-териб олмоқдамиз. Мен бу йилги мавсумда машинада салкам 300 тонна пахта териб, мажбуриятимни ошириб бажардим. Издошларимдан Бекпошша Бектемирова, Саломат Қуронбоева, Султон Урозовларнинг ҳар бири бункерлардан 200—250 тоннадан пахта тўкдилар.

Бу йил колхозимиз далаларида 24 терим машинаси тўхтовсиз ишлатилди, бункерлардан пландаги 3.000 тонна ўрнига 3.500 тонна пахта бўшатилди. Ғайрат Раҳимов, Карим Султонов, Тожи Раҳимовлар бошлиқ бригадаларда ялпи ҳосилнинг 80—90 процента машиналарда териб олинди. Илғори қолоқ ҳисобланиб келинган колхозимиз машиналар шарофати билан эндиликда илғорлар сафидан жой олди, йиллик пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажарди. 1360 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирча 40 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 5.400 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бир йилда ҳосилдорлик етти центнер ошди. Ўтган йилдагидан ҳозиргача 1.100 тонна кўп пахта тайёрланди. Колхозчи-деҳқонларимиз ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун астойдил нурашмоқдалар.

Келаси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратишга киришамиз. Кадрларимизни механизация мактаблари ва нурсларида ўқитамиз. Биз ҳар бир хонадондан камида битта ёки иккита механизатор тайёрлашни кун тартибига қўйдик ва бунга эришамиз. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб тўёналар билан кутиб оламиз.

Ўғилжон НУРУЛЛАЕВА,
Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхози бригадир-механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ВАЪДАГА ВАФО

Колхозимиз аъзолари қўш ғалабага эришдилар. Аввало, давлатга пландаги 41.380 тонна ўрнига 44.556 тонна пахта сотиб, беш йиллик планни муддатидан анча илгари ортиғи билан бажардик, қолаверса, шу кунгача планда кўзда тутилган 8.250 тонна ўрнига 8.574 тонна «оқ олтин»ни армуғон этиб, якунловчи йил топшириғини ҳам ошириб адо этдик.

Ўнинчи беш йиллик якунловчи йилининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, колхозимиз бўйича шу кунгача гектаридан 45 центнердан хирмон кўтардик. Лекин бу билан чегараланиб қола олмаймиз. Далалардаги ҳосил чўғини чамалаб чиқдик, гектаридан яна 5 центнердан пахта териб олиб, ялпи ҳосилдорликни 50 центнерга етказамиз. Шунда давлат тайёрлов пунктлари колхозимиздан 10 минг тонна юқори сорт пахта қабул қилиб олади.

Колхозимизнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов бошлиқ бригадаси аъзолари 80 гектар майдондан 480 тонна пахта териб топширди. Бу бригада шу йилдагина эмас, балки узоқ йиллардан буён 60 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири бўлиб келмоқда. СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Саидов бригадаси ҳам гектаридан 60 центнердан ҳосил олиб, юқори кўрсаткичга эришди. Ҳудойберган Ҳусанов бошлиқ бригада пахтакорларининг муваффақияти ҳақида ҳам қувонч билан сўзлашимиз мумкин.

Биз терими комплекс механизациялаш тарафдоримиз, шу йўлдан олга боряпмиз, бундан кейин ҳам олга бораверамиз. Механик-ҳайдовчиларимиздан Карим Қувоқов, Ширин Нурматов, Ҳусаин Наврўзовларнинг ҳар бири 250—300 тоннадан пахта териб, колхозимиз ғалабасига ўзларининг шахсий ҳиссаларини қўшдилар.

Теримчилар ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Колхозимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 70 процента машиналарда терилгани айтилди. Демак, 30 процент ҳосилни теримчиларимиз тердилар. Бу йил теримда кекса-ёш, ўсмир, хотин-эркак ҳамма қатнашди, ёрдамчилар катта мадад бердилар. Бу республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий жавоб эди. Биз бундан кейин ҳам теримчилар ролини сира камситмаган, уларнинг меҳнатини қадрлаган ҳолда механизациянинг ролини юксакликка кўтараверамиз. Шундай қилиб, яқин йилларда теримда машиналар ҳукмронлигини узил-кесил таъминлаймиз. Теримда қўл кучи ишлатилмайдиган кунлар келишига яқин қолди. Бу йилги мавсумда 10—12 тоннадан пахта терган Тожигул Болтаева, Ғавҳар Қувақова, Болтабика Жуманиёзова, Розия Каримова каби юзлаб теримчиларимиздан чексиз миннатдормиз.

Хоразмлик пахтакорлар ўзларининг юқори ҳосил усталари эканликларини яна бир карра исботладилар, областимиз бўйича гектаридан 40,4 центнердан ҳосил олинди, келаси йилларда 45—50 центнерлик хирмонга замин яратилади. Ана шу юқори ҳосил усталари, хўжаликлар сафида бизнинг колхозимиз ҳам муносиб ўрин эгаллаб келаётганидан ҳақли равишда фахрланамиз, пахтачиликда шуҳратни янада ошириш учун зарур бўлган агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини тўла амалга оширамиз.

Абдулла ИСКАНДАРОВ,
Боғот районидаги Нариманов номли колхоз ранси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг комплекс-механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўғилжон Нуруллаева [чапда] юқори ҳосил байроқдорларидан бири. Бригада азаматлари бу йил 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтардилар.

Урганч районидаги Энгельс номли колхознинг кўпминг килограммчиси Вазира Матсандова [ўртада] мавсумда 12 тонна пахта терди. Хива педагогика билим юрти студентлари шу райондаги Беруний номли колхоз далаларида пахта теришди. Иккинчи курс студенти Зулфия Матқурбонова [ўнгда] кунига 140—150 килограммдан пахта териб, пешқадамлик қилди.

С. Авазмуродов ва Қ. Қадамов фотолари.

СОҲИЛДА ҲИЛПИРАР БАЙРОҚ

ЛАВҲА

Аму бўйидаги шийпон. Унинг ёнида, бир неча метр нарида шарқираб дарё оқади, ўркач-ўркач тўлқинлар қирғоққа бош уриб, яна изига қайтади. Дарё тарафдан эсган ёқимли шабада кишига ором бағишлайди. Шийпоннинг жанубида эса бепоён пахтазор. Унда ўзгача тўлқинлар мавжини кўрасиз. «Оқ олтин» бунёдкорларининг меҳнат гулдуроси авжида. Амударё бўйлаб теплоходлар, моторли қайиқлар ўтса, пахтазор денгизида «зангори кема»лар сузади.

— Ҳаммаси мана шу ердан бошланган. Шу тепаликка дастлаб чайла тиклаб олганмиз. Янги ер очиш пайтида тузилган штаб шу чайлада жойлашганди, унда ишдан кейин йигитлар дам олишарди. Бу типовой шийпонни кейин қурдик. Чакки эмас, ишларимиз юришиб кетди, — деди соҳил чўлқуварлари дарғаси Каримбой Йўлдошев.

Чамаси ўн йиллар илгари бу ерларда дарё оққан. Жайҳун ташлаб кетган бўз ерларни ўзлаштириш ва пахтазорга айлантириш осон кўчмади. Таваккал қилиб экин экилса, дарё яна оқимини ўзгартириши ва экинзорни ўз ҳалқумига тортиши ҳеч гап эмасди. Аввал қирғоқни мустаҳкамлаш, дамба кўтариш ишлари бажарилди, сўнгра ерлар текисланди, суғориш тармоқлари барпо қилинди.

«Инсон қўли — гул» деб бежиз айтилмаган. Тажрибали деҳқон Каримбой Йўлдошев бошчилигида тузилган бригада азаматлари «қайнар булоқ»нинг кўзини очдилар. Соҳилга туташ бўз ерларнинг саховати йилдан йилга ошиб, ерга ер, ҳосилга ҳосил қўшилаверди.

— Кўрдингизми, — деди бригадир чаноқларда тошиб турган лўпни пахтата ишора қилиб, — экин экилмасдан дам олиб ётган ерлар эмасми, пахтага роса хумор экан. 60 центнер деб катта кетмабмиз. Ошса ошади, кам бўлмайди!

Бу сўзларни у сентябрнинг бошида айтганди. Ҳосилнинг чўғини чамалашда бригадир адашмаган экан. Бригада пахта тайёрлаш планини ҳам, социалистик мажбуриятни ҳам районда биринчи бўлиб бажарди. 60 центнерли марра эгалланди. Ҳосилнинг катта қисми «зангори кема»лар билан йиғиб олинди.

Янги ерда рекорд ҳосил катта меҳнат туфайли яратилди. Юксак хирмон — олтин қўлларнинг ижоди, зўр жасоратнинг самарасидир. Тўлибой Холмуродов, Маткарим Матёқубов, Тўлибой Бобониёзов каби дала гвардиячилари, Тўлғоной Оллашева, Салима Қурбонбоева, Роза Матқурбонова сингари оловқалб қизлар мўл ҳосил йўлида озмунча тер тўкишдими! Қишлоқдаги молхоналардан прицепларда гўнг ташиб, ерни озиқка тўйдирган, ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлган, йиғим-терим палласида соҳилдаги шийпонга кўчиб келиб, пахтазорда фидойилик кўрсатган шоввозлар — шулардир. Шавкатли меҳнати билан пахта фронтидаги ғалабани таъмин этган бу азаматларни бугун эл шарафламоқда.

«Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар» деган мақол бор халқимизда. Қўриқ очиб, йилдан-йилга баракали хирмон кўтараётган азаматлар меҳнати муносиб тақдирланди. Бригада бошлиғи Каримбой Йўлдошевнинг кўкрагида Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени ярқираб турибди. Бригаданинг пешқадам аъзолари, беш йиллик зарбдорлари орден ва медалларга сазовор бўлишди.

Оталар ибрати — ёшлар учун илҳомбахш намуна. Бригадир Каримбой Йўлдошевнинг ўғли Қуриёз олий маълумотли педагог. У қишлоқдаги Ленин номли мактабда ўқитувчи эди. Қуриёз механизаторлик касбини эгаллади, отаси изидан бориша, янги ерда ишлашга азми-қарор қилди. Ўрта мактабни битирган ёшлар у билан бирга қўриққа бориш ҳоҳишини билдиришди. Шундай қилиб, Қуриёз Йўлдошев бошчилигида комсомолёшлар бригадаси тузилди. Бригадага етарли механизмлар биркитилди.

Мана, иккинчи хирмон кўтарилди. Дарё бўйларида янги ўзлаштирилган 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йили 50 центнердан, бу йил ҳозиргача 58 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Бригадирнинг ўзи машинада 150 тоннага яқин пахта терди. Шарифа Холбоева, Зулайхо Эшматова, Зевар Раҳимова каби оловқалб қизларнинг ҳар бири хирмонга 10—12 тоннадан ҳисса қўшди.

— 60 центнерли марраня эгаллашга қатъий бел боғлаганмиз. Дадаминнг бригадасига шунда тенглашамиз, — деди Қуриёз.

Ота-ўғил мусобақадош. Икки бригаданинг ерлари ҳам бир-бирга туташ. Каримбой ва Қуриёз Йўлдошевлар бошчилик қилаётган бригадалар Киров номли колхоздагидек эмас, Гурлан районида ҳам биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекишди. Улар янги юксак довонларни кўзламоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкент давлат циркида Москва цирки артистларининг Дағистон АССР халқ артисти М. Иванов раҳбарлигидаги дорвозлар иштирокида гастроллари давом этаётир. Суратларда: цирк томошаларидан лавҳалар.
С. Маҳкамов фотолари.

ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА

ОНА МЕҲРИ

Якшанба куни эди. Ғафуржонни укалари билан бирга учратдим. Қўлида тўла сумка, бир даста гул.

— Катя аямларникига кетяпмиз, — деди у. — Ўзларини кеча кутгандик, негадир келмадилар. Бориб кўриб келмасак, кўнглимиз ўрнига тушмайди.

Катя хола... Екатерина Георгиевна... Уни кўпдан бери, Ғафуржонларнинг болалик давридан танийман. Ҳар доим нималарнингдир ташвиши билан юрадиган кўюнчак аёл эди. Медицина ҳамшираси бўлгани сабабли, кўни-қўшнилар ёрдам сўраб чиққанида сира рад этмай, кундузими, кечқурунми, бораверарди. Бутун маҳалла аҳли уни ана шу кўюнчаклиги, одамшавандалиги учун ёқтирарди. Бир воқеа сабаб бўлди-ю, унинг номини ҳамма ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган, эҳсозлаб Катя хола деб атайдиган бўлиб қолди.

...Ғуломжон вафот этиб, Азизахон бир этак бола билан қолди. Улуғ Ватан уруши йиллари эди ўшанда: Азизахон уч ўғил ва икки қизини оқ ювиб, оқ тараб ўша йилларнинг қийин шароитларидан олиб чиқдию, аммо уруш тугаб, энди енгил нафас олай деганида унинг ўзи оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Екатерина Георгиевна унинг ҳовлисидаги бир хонада қўшни бўлиб яшарди. У беморнинг ёнидан кетмай, Азизахонни парвариш қила бошлади. Бироқ касаллик Азизахонни енгиб қўйди. Қўнларнинг бирида уй эгаси қолганидан фойдаланиб, бемор Катя холани ёнига ўтиришга таклиф қилди-да, юрагини ўртаб ётган дардини унга тўкиб солди.

— Беш норасида болаларим қолянти, — деди у Екатерина Георгиевнанинг қўлидан маҳкам ушлаганича, кўзларидан дув-дув ёш тўкаркан. — Отасиз ўстираётган эдим. Мана мен ҳам... Уларнинг ҳоли энди нима кечаркин... Ҳеч кимимиз йўқ, ёлғиз эдик... Сиз билан ўн йилдан бери бирга яшаяпмиз, опа-сингилдек бўлиб қолгандик. Шунинг учун сизни опам деб болаларимни қўлингизга топширмоқчиман. Уларга она ўрнига оналик қилинг, илтимос...

Ўша куни тунда Азизахон кўз юмди. Унинг тўнғич қизи Зироатхон 12 ёшда, Эътиборхон 10 ёшда, Ғафуржон 8 ёшда, Ғиёсжон билан Анваржонлар эса ҳали эсларини танимаган, йўлга кириб кетмаган ёш гўдаклар эди. Маҳалла аҳли Катя холанинг бошчилигида Азизахонни дафн этдилар. Ана шу маросимда Екатерина Георгиевна қўни-қўшниларга Азизахоннинг васияти ҳақида гапириб, унинг фарзандларига ўзи оналик қилмоқчи эканлигини билдирди.

Йиллар ўтди. Катя хола ўғил-қизларини ҳеч нарсадан толиқтирмай оқ ювиб, оқ тараб, воғга етказди. Зироатхон Катя аяси сингари медицина ҳамшираси бўлиб етишди. Эътиборхон эса дурустгина тикувчи бўлди. Ғафуржон ҳам билим юртида ўқиб, слесарлик касбини эгаллади. Ғиёсжон эса аясининг маслаҳати билан Москвадаги политехника институтида, Анваржон эса Тошкент давлат университетининг геология факультетига ўқишга кирди. Улар ўсиб-улғайишди, камолга етишди.

Ғафуржон ҳозир Ўзбекистон давлат стандартлар бошқармасининг конструкциялаш бюросида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда. Ғиёсжон эса Тошкент политехника институтида ўқитувчилик қилмоқда, ҳозир у техника фанлари кандидати. Анваржон ҳам геологинженер сифатида халқ хўжалигини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

— Бундай бахтга биз Катя аямизнинг ,меҳрибонлиги, ғамхўрлиги туфайли эришдик, — дейди Ғафуржон Ғуломов. — Аямлар ҳаммамизни уйли-жойли қилиб ўқидилар. Турмуш ўртоғим Шарифахон уларнинг катта келинлари. Набиралари бувиларига гоят меҳрибон, бир кун кўришмаса туришолмайди.

Ҳа, Катя холанинг фарзандлари ўз аяларини бир кун кўришмаса соғиниб қолишади. Шунинг учун ҳам дам олиш кунларида Ғафуржон бошлиқ опа ва ака-укалар биргалашиб бориб Катя холани зиёрат қилиб қайтишлари одат бўлиб қолган. Екатерина Георгиевна Бауэр ҳам уларни кўрганида меҳри товланиб ўғил-қизларим деб гиргиттон бўлади.

Тошкентдаги Герман Лопатин кўчасида истиқомат қилаётган бу оила тарихи ана шундай.

А. НАБИХЎЖАЕВ.
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

КЎЗГУДАГИ ҚЎЛАНКА

Наманган шаҳрида бир тўй бўлиб ўтди. Унга маҳалла-кўй, корхона коллективи, жамоатчилик вакиллари келишди. Фақат куёвнинг ота-онаси қатнашмади...

Аъзамжон йўлга кириб, ақлини таниб бошлаганидан бери тенгқурларининг «ойи, дада» деганларини тез-тез эшитарди-ю, аммо ўзи бундай дея олмасди. Чунки у ота-онасиз, етим эди. Бироқ унинг меҳрибон опоғ дадаси, севимли бувиси бор эди. Шуларнинг бағрида ўсиб-улғанди. Кейинчалик ҳақиқатни билиб олди. Онаси Мавлудахон ўғли уч ярим яшарлигидаёқ вафот этиб кетган, отаси эса йўқ эмас, бор экан. Лекин у бошқа болаларга оталик қиларкан. У яна онасининг вафотига алоқадор томонларни ҳам билиб олди. Мавлудахон дардга чалингач, умр йўлдоши Аҳмаджон уни бувиси билан бобосиникига икки фарзанди билан бирга кўчириб юборган экан.

Орадан кўп ўтмай, она вафот этди. Аъзамжон ва унинг тўққиз ёшли опаси Матлуба бувиси билан боббосининг қўлида қолишди. Ота дарров уйланди, кейин ажралди. Мавлудахон билан бирга ликда қурган ҳовлижойнинг бир қисмини сотди. Хуллас, хотин вафот этганидан кейин бири икки бўлмай қолди. Ниҳоят, ҳозирги умр йўлдоши Зарифага уйланди. Аъзамжон билан Матлуба эса она дийдоридан маҳрум, ота меҳридан узоқ бўлсалар ҳам, икки қариянинг тафтида ҳеч нарсадан кам-кўстсиз ўсиб, воғга етишди...

Аъзамжон армиядан келаётганмиш, деган хабар тарқалиши билан қўни-қўшнилар Аҳмаджонни ўртага олишди.

— Ўғлинг йигит етилиб армияга борган эди, мана энди хизмат вазифасини бажариб қайтаётганмиш, — дейишди улар. — Чол-кампир фарзандларингни шунчалик воғга етказиб қўйишди, қизингни турмушга узатишди. Энди улар кексайиб қолишди. Шунча вақт ота деган номинг бор эди-ю, аслида, оталик қилмасдинг. Энди сен ҳеч бўлмаса, ўғлингни бағрингга олгин, оталик бурчингни бажариб, уйли-жойлик қилиб қўйгин.

Шу гаплар таъсир қилдими, ҳар ҳолда Аҳмаджон ўғли Аъзамжонни армиядан келгач, ўз уйига олиб кетишга ноилож кўнди. Ноилож деганимизнинг сабаби шуки, биринчидан, у ўғай онанинг Аъзамжон билан тил топиб кетишига шубҳаланарди, қолаверса, унинг болаларга бўлган оталик меҳри ҳамма ўйлаган даражада баланд эмасди.

— Пул-мулинг борми? Бўлса, бер, сенга алоҳида уй-жой қуриб берай, — деди ота армия сафидан янгигина қайтган ўғлига.

Аъзамжон ҳарбий хизматда меҳнат қилиб беш юз сўмга яқин пул топган экан, шуни берди.

— Бу камлик қилади, опанг ҳам бироз қўшсин, — деди яна ота. Опаси Матлуба «Ёғоч, гишт олсин», деб жигари учун икки юз сўм берди.

Қурилиш ишлари бошланиб кетди. Қариндошлар, қўшнилар, ошна-оғайнилар ҳашарга келишди. Ҳадемай ота ҳовлисининг этак томонида бир уй, бир даҳлиз тикланиб қолди. Худди шу даҳиқадан бошлаб ўғай онанинг рафтори ўзгарди. Шундай ҳам Аъзамжон бу даргоҳда пайдо бўлиб қолганидан бери қошини чимириб юрган Зарифа вақимага туша бошлади. Чунки уй битиб, йигит уйланса, ҳовлига эга бўлиб қолади, деб қўрқарди. Энди унинг кўзига мўмин-қобил йигит жуда хунук кўрина бошлади. Аъзамжон сменадан қайтса «нега кеч келади», деди, юзини ювса «нега шалоп-тиб ювади», деди, радио қўйса «нега баланд қўяди», деди. Хуллас, тергашни шу даражага олиб бордики, ота «уф» тортадиган, ўғил хаёл сурадиган бўлиб қолди. Бир куни Аъзамжон ишдан келса, уйидаги ўзига керакли нарсалар, кўрпа-тўшаклари йўқ. Зарифа уларни Аъзамжоннинг опаси Матлубаникига чиқартириб юборибди: «Ўша опасиникидами, бувисиникидами яшайверсин», дебди.

Бу воқеа ҳаммани газаблантириди:

— Уялмайсанми, Аҳмаджон, ўз ўғлинг-а? — дейишди отага қараб. — Шу ҳовлини унинг онаси бунёд қилди, икки болангнинг кийин қоғи шу ерга тўкилган. Бир пайтлар, онаси тириклигида шу ҳовлида қандай бахтиёр, чопқиллаб юришарди! Сенда ғурур, ҳамият борми ўзи?

— Нима қилай, ўғай онаси билан келиша олмади, — сабаб топмоқчи бўларди ота.

Шу йилнинг сентябрь ойи охирларида Намангандаги аврли газламалар комбинатининг ишчиси Аъзамжон Абдуллаев билан бадиий буюмлар фабрикасининг чевари Дилором Бозороваларнинг бахт тўйи бўлиб ўтди. Аммо бу тўй Аҳмаджон аканинг эмас, балки қуёвнинг бувиси Онахон ачаникида ўтказилди.

Афсуски, бу катта тантанада Аъзамжоннинг ўз отаси Аҳмаджон Ғафуров билан ўғай онаси Зарифа Нормирзаева қатнашмади. Кўёв Аъзамжон тўй дастурхонида мамнун ўтирарканми, унинг кўнгил кўзгусида атрофидаги меҳрибон одамларнинг самимий чеҳралари чарақлаб кетди. Бу кўзгуда отанинг ноҳуш қиёфаси ҳам қўланкадай бир зум қалқиди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлди.

А. АБДУВАЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1980 йил 7 нолбрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10 да бошланади. Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва белгиланган маршрут бўйича район колонналари составида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари билан В. И. Ленин номли майдонга қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспектда соат 7 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрь куни эрталаб соат 6 дан кечаси 2 гача ишлайди. Соат 8 дан 2 гача «Пахтакор» ва Октябрь революцияси номли станцияларнинг фақат «чиқиш» киоски ишлайди. Бу вақтда В. И. Ленин номли майдон станцияси ёпиқ туради.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

СПОРТ

КАРАТЭ:

Н. ЮГАЙ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Ленинградда каратэ бўйича иккинчи Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилди. Унда Москва ва Ленинграддан, Иттифоқдош республикалардан 160 спортчи иштирок этди.

Вазн категорияси 85 килограммгача бўлган мусобақада тошкентлик динамочи Н. Югай мамлакат чемпиони, деган фахрли номни қўлга киритди.

ВОЛЕЙБОЛ:

ҚИЗЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентнинг «Автомобилист» аёллар командаси «Спартак» марказий Совети биринчилигининг голиби бўлди. Ереванда ўтказилган мусобақада қизларимиз 5 учрашув ўтказиб, тўрттасида ғалаба қозондилар.

ШАШКА:

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Шашка юлдузлари-80» анъанавий турнирининг иштирокчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Олти имконийтдан 5,5 очко тўплаган Р. Виткаускайте (Вильнюс) беш. қадамлик қилмоқда. Ўзбекистонлик шашкачи О. Аҳмедова эса 4 очкога эга.

БАСКЕТБОЛ:

МУХЛИСЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкентнинг «Университет» командаси мамлакат чемпионатининг олий лигасида дастлабки бор қатнашмоқда. Куни кеча улар Вильнюснинг «Жальгирис» баскетболчиларини қабул қилдилар. Учрашувда вакилларимиз 90:70 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3—9 НОЯБРЬ

3 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Темир эшик сири. Бадиий фильм. 11.30 — Скрипка миниатюралари. 11.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Олга, болакайлар! 16.50 — Онамларнинг мактаби. 17.20 — Концерт 18.10 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Фильм-концерт. 19.45 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Ҳужжатли экран. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — «Дон Кихот» балетидан саҳналар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм. 11.55 — Бахтли болалик. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.45 — Дубравка. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.05 — Шеърият дафтаридан. Шукрулло. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 23.50 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Олий математика. 22.30 — Майсаранинг иши. Телеспектакль.

4 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Олга, болакайлар! 11.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Э. Багрицкий поэзияси. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Концерт. 17.15 — Ёшлар адреслари. 18.15 — Удмурдистон булоқлари. 18.45 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.15 — Концерт. 20.25 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Биргалашиб, куйлаймиз дўстлар. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Оила ҳақида мулоҳазалар. 12.20 — Болалар учун концерт. 12.50 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 19.00 — Коммунистлар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Газал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек артистлари ижросида чет эл шарқи куйлари. 21.30 — Время. 22.15 — Ишга туширилаётган объектлар ўз муддатида. 22.30 — К. Яшин. Инқилоб тонги. Ҳамза номли ўзбек давлат академик театрининг спектакли.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» — АСК (Москва ҳарбий округи). 21.20 — Назарий механика. 22.20 — Ҳамқишлоқлар. Бадиий фильм.

5 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Ёшлар адреслари. 11.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор уччилар. Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 — Горничилар, қаердасиз! 17.00 — Рус тили. 17.30 — Звездочет. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Концерт. 20.20 — Сўна. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.25 — Ўйлаб топ. 12.55 — Ёшлик. 13.25 — Қоғилмаҳом Фердинанд. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳаёт формуласи. 20.00 — Байрам мушоираси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Пулатова ва И. Бўронов концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Қора консулнинг ҳалокати. Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика. 20.55 — Реклама. 21.15 — Қонун қўриқчилари. 21.45 — Ўқув кўрсатуви. 22.45 — Қўшиқчи.

6 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Биз билан бирга, кулди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.15 — Сўна. Бадиий фильм. 3-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор уччилар. Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 — Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.15 — Поэзия. 18.15 — Москваликлар. — партия съездига. 18.45 — «Ералаш» журнали саҳифаларида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Композитор Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида Время.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.55 — Миша — сеҳргар. Бадиий фильм. 12.25 — Ёшлик. 12.55 — Ў. Умарбеков. Отилмаган ўқ. Спектакль. 17.30 — Қўғирчоқ фильм. 17.50 — Қувноқлар даврасида. 18.20 — Партияга, Ватанга шон-шарафлар! 19.00 — Ахборот. 19.15 — Истеъдод. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффус пайтида Время. 22.15 — Тошкент. Ўзбекистон пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси Махсус кўрсатув ва концерт.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қўғирчоқ фильм. 21.15 — Тошкент байрам арафасида. 21.45 — Инсонларга нима ҳаёт эканлиги. 22.05 — Тун ҳам бўлди, кун ҳам бўлди. Бадиий фильм.

7 НОЯБРЬ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Кино кўрсатув. 10.05 — Революция қўшиқлари. 10.45 — Инсон. Ер. Коинот. 11.30 — Улуғ Октябрь. 12.05 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 15.30 — Ляля, Руслан ва унинг дўсти Саня. Бадиий фильм. 16.35 — Цирк майдонида. 17.10 — Октябрь. Бадиий фильм. 18.50 — Голубой огонёк. 21.30 — Время информацион программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

9.45 — Тошкент тонги. 9.55 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши олиб кўрсатилади. 12.45 — Москва. Қизил майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши олиб кўрсатилади. 13.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.45 — Қўшиқ инсон билан қолади. 16.30 — Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи. 18.00 — Музикали фильм. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.15 — Даврани кенг олинг. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — Биз Октябрь фарзандлари. 11.05 — Қўлга тушмас қасосқорлар. Бадиий фильм. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Экранда — ҳоразмлик ёш таланти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.15 — Эстрада программаси. 23.05 — Телефильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

9 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага сафланинг! 10.15 — Халқ оҳанглари. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига ҳизмат қиламан! 12.00 — Поэзия. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қиқлоқ янгиликлари. 14.15 — Музикали киоск. 14.45 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 15.05 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.05 — Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти. 17.00 — Халқаро панорама. 17.45 — Мультфильмлар. 18.10 — Тергович билимдонлар олиб боради. 20.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 21.45 — Время. 22.15 — Оперетта кечаси. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Тонгги концерт. 10.50 — Қўлга тушмас қасосқорларнинг янги саргузаштлари. Бадиий фильм. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Мультфильм. 13.20 — Ўзбекистон ёзувчилари VIII съезднинг қатнашчилари сўзлайдилар. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Цирк, цирк, цирк. 20.00 — Ахборот. 20.20 — СССР халқ артисти Зайнаб Ҳонларова куйлайди. 21.45 — Время. 22.15 — Мафтунингман. Музикали комедия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9,00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.40 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.10 — Концерт. 11.45 — Совет лар ва ҳаёт. 12.15 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.55 — Спортлото. 13.10 — Москвичка. 14.30 — Эрмитаж. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Малла. Бадиий фильм. 16,40 — Концерт. 17.05 — Жазоир бўйлаб. 17.35 — Концерт. 18.10 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.40 — Мультфильмлар. 19.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 — Урушсиз 20 кун. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Кинопанорама. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10,00 — Янгиликлар. 10,10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Шум бола. Бадиий фильм. 12,00 — Третьяков галереясининг 103 дурдонаси. 12.30 — Киноредакция почтасидан. 13,15 — Ёшлик. 14,15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.20 — Юлдузча. 19.00 — Биз кувноқ ва шодон яшаймиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Совет Ўзбекистони композиторлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22,15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Нодира лирикаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.10 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Наво таралсин. 9.35 — Санъат саодатимдир. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Таниш оҳанглар. 12.30 — Мактаб ва ҳаёт. 13.00 — Республика ёрдамчи хўжаликларида. 13.30 — Қувноқ сайл. 14.00 — Боғбонларнинг кузги юмушлари. 16.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.00 — Ёшлик. 18.15 — Коммунистнинг сўзи ва иши. 18.30 — Эстрада қўшиқлари. 19.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 20.50 — Ўзбекистон ёзувчилари VIII съезднинг делегатлари сўзлайдилар. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.25 — Пахтакорлар учун концерт. 22.30 — Лирик қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/XI да **Тирик мурда**, 2/XI да **Нодирабегим** (12.00), **Ғариблар** (19.30).

●

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
тадқиқотлашнинг физик-химик методлари кабинетининг катта илмий ходими (биохимия ихтисоси бўйича)
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 5 НОЯБРГАЧА.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри-143, Академиклар шаҳарчаси.

●

Меҳнат Қизил Байроқ ордени В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги
ЕШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ТАЙЕРЛАЙДИГАН
МАРКАЗИЙ КУРСЛАР
1980—81 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3×4 см ҳажмидаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлар учун).

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ҳафтада уч марта ўтказилади.

Ҳужжатлар душанба, чоршанба ва жума куни соат 17.00 дан 20.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия комитети ва касаба союз ташкилоти КПСС тарихи кафедрасининг доценти К. Усмоновга отаси

Усмон МУҲАММАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-23; аъзолар бўлими — 33-61-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-64; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02342 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 252. 6